

Мусулмонларнинг Ийсо алайҳиссалом ҳақларидаги ақийдалари



10:44 / 27.02.2025 2246

??????? ?????? ?????? ?????? ?????????? ?????? ??????

??????? : ???????????? ??? ?????????????????? ???????

??????????? ???????????? ???????? ?????? ???????????? ???????

?????? ?????????????????? ?????????????? ???????????? ??????? ?????

????????????? ???????? ?????? ???????????? ??????????????.

????????? ?????????????????????? ???????????? ??????????.

Абдуллоҳ ибн Салом розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Тавротда Муҳаммад ва Ийсо ибн Марям соллаллоҳу алайҳимо
васалламларнинг сифатлари, Ийсо алайҳиссаломнинг Муҳаммад**

соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга дафн қилинишлари ёзилган».

Термизий ривоят қилган.

Шарҳ: Биладиганларнинг айтишича, Пайғамбар алайҳиссаломнинг равзаи шарифларида ҳозир ҳам бир киши дафн қилинадиган жой бор. Ўша ерга Ийсо алайҳиссалом дафн қилинсalar керак.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ийсо алайҳиссаломнинг нозил бўлишлари Қиёматнинг энг катта аломатларидан биридир.

Ийсо алайҳиссалом нозил бўлишлари – Аллоҳ таолонинг Ўзигагина маълум бўлган маконда узоқ вақт турганларидан кейин ерга тушишларидир. Аҳли сунна вал жамоа эътиқодига биноан Ийсо алайҳиссалом ҳозир ҳам аввалги ҳаётларининг давомини яшамоқдалар. Бу ҳақиқатни Аллоҳ таолонинг Ўзи Қуръони Каримнинг Нисо сурасида баён қилган.

Мўмин-мусулмонларнинг Ийсо алайҳиссалом ҳақларидаги ақийдалари ушбу ва бошқа оятлардан, саҳиҳ ҳадиси шарифлардан олинган. Уларда ҳеч қандай ноаниқлик, шубҳа ёки гумон йўқ, ҳаммаси аниқ ва очиқ-ойдин.

Аллоҳ таолонинг иродаси билан белгиланган пайтда Ийсо алайҳиссалом ерга тушиб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шариатлари бўйича иш тутадилар, яъни Ийсо алайҳиссаломга янги ваҳий келмайди. Шунинг учун Ийсо алайҳиссаломнинг тушишлари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг охирги набий эканликларига, у зотнинг шариатлари охирги шариат эканлигига асло хилоф бўлмайди.

Аҳли сунна вал жамоа мазҳабининг «Ийсо алайҳиссалом ҳозир тириклар, Қиёматга яқин нозил бўладилар» деган эътиқодига хилоф қилган баъзи тоифалар қадимда ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор. Қадимда бу ишни мўътазилийлар ва жаҳмийлар қилган бўлса, ҳозирда Муҳаммад Абдуҳ деган кимса ва унинг баъзи шогирдлари қилишди. Аммо уларнинг гапи эътиборга олинмайди. Улар ўзларича гапни бошқа томонга буришдан бошқа нарсa қилмаганлар.

Аҳли сунна вал жамоа мазҳабининг бу масаладаги далиллари Қуръони Каримдан бошқа йигирма тўққизта ҳадиси шарифдан иборатдир. Улар мутавотир даражасига етганлигида ҳам ҳеч кимнинг шубҳаси йўқ.

«Фитналар ва Қиёмат аломатлари» китобидан

